

ХОНОВОД

Ижтимоий-сиёсий, оммавий газета

SADOSI

Газета 2005 йил
8 мартдан чиқа бошлаган

№ 1 (279) - сон 30 март, пайшанба 2023 йил.

ISSN 2010 - 572X

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 2-Андижон округ комиссияси қароридан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
"Ўзбекистон Республикаси
Референдуми тўғрисида" ги
Конунининг 16, 20-моддаларига
асосан Ўзбекистон
Республикаси Референдумини
ўтказувчи 2-Андижон округ
комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси
Референдумини ўтказувчи 2-Анди-
жон округи ҳудуди бўйича рефе-
рендум участкаларининг жойлашу-
ви юзасидан 2 та шаҳар ва 14 та
туманлар ҳокимларининг тақдим-
номалари маълумот учун қабул
қилинсин.

(Тақдимномалар илова қилина-
да)

2. Ўзбекистон Республикаси Ре-
ферендумини ўтказувчи 2-Анди-
жон референдум округи ҳудудида
қуйидаги референдум участкалари
тузилсин.

ХОНОБОД ШАҲАР БЎЙИЧА:

918-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Кампирро-
вот маҳалла фуқаролар йиғини,
Мироб кўчаси 1-уйда жойлашган
3-умумий ўрта таълим мактаби
биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Кампир-
ровот" маҳалла фуқаролар йиғи-
нининг тўлиқ ҳудуди чегаралари-
да.

919-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Мустақил-
лик маҳалла фуқаролар йиғини,
Обод кўчаси 6-уйда жойлашган 4-
умумий ўрта таълим мактаби би-
носи.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Тейит" ма-
ҳалла фуқаролар йиғинининг тўлиқ
ҳудуди чегараларида.

920-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Мустақил-

лик маҳалла фуқаролар йиғини,
Обод кўчаси 9-уйда жойлашган
Саноат техникуми биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Мустақил-
лик" маҳалла фуқаролар йиғини-
нинг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

921-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Янги ҳаёт
маҳалла фуқаролар йиғини, И.Ка-
римов кўчаси 1-уйда жойлашган
Хонобод педагогика коллежи би-
носи.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Янги ҳаёт"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
тўлиқ ҳудуди чегараларида.

922-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Мустақил-
лик маҳалла фуқаролар йиғини,
Обод кўчаси 8-уйда жойлашган 8-
сон мусика ва санъат мактаби
биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "А.Фитрат"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
Шифобахш кўчасидаги 4 та кўп
каватли уйдан ташқари тўлиқ ҳу-
дуди чегараларида.

923-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Истиқлол
маҳалла фуқаролар йиғини, Умар-
шайх Мирзо кўчаси 1-уйда жой-
лашган маданият уйи бўлими би-
носи.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Истиқлол"
ҳамда "Хонтоқ" маҳалла фуқаро-
лар йиғинининг тўлиқ ҳудуди че-
гараларида.

924-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Анхор ма-
ҳалла фуқаролар йиғини, Хонобод
кўчаси 2-уйда жойлашган 1-мак-
таб биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "А.Фитрат"

маҳалла фуқаролар йиғинининг
Шифобахш кўчасидаги 4 та кўп
каватли уйлар ва "Анхор" маҳал-
ла фуқаролар йиғинининг тўлиқ
ҳудуди чегараларида.

925-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Хонобод ма-
ҳалла фуқаролар йиғини, И.Кари-
мов кўчаси 4-уйда жойлашган
"Lens Textile Invest" масъулияти
чекланган жамияти биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Хонобод"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
тўлиқ ҳудуди чегараларида.

926-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Юксалиш
маҳалла фуқаролар йиғини, Иш-
чилар кўчаси 1-уйда жойлашган
5-тип спорт иншооти биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Юксалиш"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
тўлиқ ҳудуди чегараларида.

927-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Бунёдор
маҳалла фуқаролар йиғини, Буюк
замин кўчаси 1-уйда жойлашган
2-мактаб 1-биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Бунёдор"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
Фузулий кўчасидан ташқари тўлиқ
ҳудуди чегараларида.

928-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Бунёдор
маҳалла фуқаролар йиғини, Буюк
замин кўчаси 1-уйда жойлашган
2-мактаб 2-биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Бунёдор"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
Фузулий кўчаси ҳамда "А.Наво-
ий" маҳалла фуқаролар йиғини-
нинг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

929-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Мехмонобод
маҳалла фуқаролар йиғини, Кои-
нот кўчаси 100-уйда жойлашган
Хонобод касб-хунар мактаби би-
носи.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Фозилмон"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
тўлиқ ҳудуди чегараларида.

930-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Мехмонобод
маҳалла фуқаролар йиғини, Кои-
нот кўчаси 17-уйда жойлашган
"As-Asiya Textile" масъулияти чек-
ланган жамияти биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Мехмоно-
бод" маҳалла фуқаролар йиғини-
нинг тўлиқ ҳудуди чегараларида.

931-референдум участкаси
**Референдум участкаси марка-
зи** - Хонобод шаҳар Хидирша
маҳалла фуқаролар йиғини, Хидир-
ша кўчаси 65-уйда жойлашган
"Хидирша" кишлоқ врачлик пун-
кти биноси.

**Референдум участкаси чегара-
лари:** Хонобод шаҳар "Хидирша"
маҳалла фуқаролар йиғинининг
тўлиқ ҳудуди чегараларида.

3. Ушбу қарор матбуотда эълон
қилинсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Рес-
публикаси Марказий сайлов ко-
миссиясига юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажари-
лишини назорат қилиш округ ко-
миссияси раисининг ўринбосари
Ш.Нурматова зиммасига юклатил-
син.

2-Андижон
округ
комиссияси
раиси

К.С.КОМИЛОВ

ТАҲЛИЛ

ХОНОБОД ШАҲРИНИНГ САНОАТ МАҲСУЛОТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШ ҲАЖМИ ҚАНДАЙ?

Дастлабки маълумотларга асосан 2022- йилнинг январ-декабр ойларида Хонобод шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан

2 685,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 105,4 фоизни ташкил этди.

2022- йилнинг январ-декабр ойларида шаҳарда 2 685,9 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 % ни ташкил этди. Жами саноатдаги улуши 5 % ни (2021- йилнинг январ-декабр ойларида 1 900, млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилган, ўсиш суръати 108,4 % ни) ташкил этган.

ХОНОБОД ШАҲРИНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР Сони ҚАНЧАГА ЕТДИ?

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, Андижон вилоятида 2023- йилнинг 1- январ ҳолатига кўра рўйхатга олинган чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 446 тани ташкил қилиб, Хонобод шаҳрида 18 тани ташкил этди, шундан фаолият кўрсатаётган 18 та, янги ташкил этилган ёъқ.

Оилавий корхоналар тўғрисида айтиладиган бўлса, 2023- йилнинг 1- январ ҳолатига кўра Хонобод шаҳрида жами 59 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, ўтган йилга нисбатан бир хил кўпаймаганлиги кузатирилган, фаолият кўрсатаётганлари эса 58 тани ташкил этди.

2022- йилнинг январ-декабр ойларида жами 74 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2021- йилнинг шу даврига нисбатан 161 та кам.

ХОНОБОД ШАҲРИНИНГ КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ Сони ҚАНЧА?

2023- йил 1- январ ҳолатига кўра рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 817 тани ташкил этиб, шундан 796 таси фаолият юритмоқда. Шунингдек,

2022- йил январ-декабр ойларида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 70 тани ташкил этди. Ўз навбатида фаолиятини тугатган кичик бизнес субъектлари сони 30 тани ташкил этмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат 210 та (25,7 фоизи), савдо 246 та (30,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 50 та (6,1 фоизи) ҳамда қурилиш 72 та (8,8фоизи) соҳаларига тўғри келади.

ХОНОБОД ШАҲРИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ҚАНЧАНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ?

2022- йилнинг январ-декабр ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 140,2 млрд. сўмни ёки 2021- йилнинг шу даврига нисбатан

101,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 74,6 фозни ташкил этди.

2023- йилнинг 1- январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 9 166 бошга (100,8 фоизни), шу жумладан сигирлар 5 346 бошга (100 фоизни), қўй ва эчкилар 20 804 бошга (101 фоизни), паррандалар 53 195 бошга (100,5 фоизни) ташкил қилди.

Хонобод шаҳар статистика бўлими

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ЎТКИР ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ!

Йил фасилларининг ёз ойларида аҳоли ўртасида ўткир юқумли касалликлар билан касалланишнинг ортиши кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири бу ойлarda аҳоли пишаётган мевалардан истеъмол қилади ва ариқлардан сув инади. Очқ сув хавзалари ва ариқларда чўмилади. Юқумли ичак касалликларининг асосий юқиш йўллари эса худди шу йўл билан, яъни ювилмаган меваларни истеъмол қилганда, зарарланган сувларда чўмилаётган ичганда, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаганда оғиз орқали юқиши мумкин. Шунинг учун бу касаллик "ифлос қўллар" касаллиги ҳам деб аталади.

Касалликнинг асосий белгилари беморларда кўнгил айнаши, холсизланиш, қусиш, тана харорати кўтарилиши кузатилади. Агарда бемор ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатишга мурожаат қилмаса, унда тез-тез ич ўтиши кутилади. Беморнинг танасидаги су-юқлик чиқиб кетиши оқибатида беморнинг ҳолати оғирлашиб боради. Беморда чанқаш кузатилади, тери намлиги ва таранглиги паса-

яди. Тана харорати юқори даражаларга кўтарилади. Холсизланиб хушидан кетиши ҳам мумкин. Беморнинг ахлати ранги кўкимтир рангда тез-тез келади ва оқибатда ичаклардаги яллиғланиш ҳолати кучайганда қон аралашмаси билан келиши кузатилади.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганда бемор, албатта, яқин орадаги тиббий муассасага мурожаат қилиши керак. Поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари қошида кундузги даволаш ўринлари ташкил этилган бўлиб, керакли бўлган дори-дармонлар билан таъминланган. Бу ерда касалликнинг бошланиш даврида оддий "Регидрон" тузли ширин суюқлик билан даволанадилар. Шунинг билан беморнинг ҳолатини оғирлашишидан сақлаб қолинади. Агарда беморнинг ҳолати яхшиланмаса, улар юқумли касалликлар бўлимига даволаниш учун юбориладилар. Уй шароитида беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида "Регидрон" тузли эритмаси ёки 1 литр қайнатиб совутилган сувга 1 қошиқ шакар, 1 чой қошиқда туз, пичоқ учиди (0,1гр) ош содаси солинган ҳолда ҳар 3-5 минутда бир қошиқдан берилди.



КАСАЛЛИКНИ ЮҚТИРМАСЛИК УЧУН

Ўткир юқумли касалликларнинг олдини олиш учун фуқаролар доимо озиқ-овқат маҳсулотларини усти ёпиқ ҳолатда сақлаши ва меваларни қайнатилган сувда ювишлари, қайнатилган сувни истеъмол қилишлари шарт. Ҳар бир оила аъзолари шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари керак. Кўрсатиб ўтилган тавсиялар бажарилган ҳолда фуқаролар ўзлари ва оила аъзоларини юқумли ичак касалликларидан сақлашлари мумкин.

Ушбу тавсияларга амал қилсангиз, ўткир юқумли ичак касалликларидан сақланган бўласиз.

Ёдингизда тутинг СОҒЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА.

Ш.ҚОБУЛОВ
Хонобод шаҳар СЭО ва
ЖСЭБ Эпидемиология
бўлими мудири

КАСАЛЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Ёз фаслининг иссиқ кунлари бошланиши билан аҳоли орасида ўткир юқумли ичак касалликлари кўпайиб учрайди. Ўткир юқумли ичак касалликларини турли микроорганизмлар келтириб чиқаради.

КАСАЛЛИК АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА:

- * Қайнатилмаган сувни ичганда;
- * Хўл меваларни ювмасдан истеъмол қилганда;
- * Яхши сақланмаган ва узок вақт туриб қолган овқатларни истеъмол қилганда;
- * Ушбу касалликни юқтирган беморларнинг идиш-товоқларидан умумий фойдаланилганда юқади.

ШУ БИЛАН БИРГА:

Ўткир юқумли ичак касалликларининг тарқалишида пашшалар муҳим аҳамиятга эга.

КАСАЛЛИКНИНГ БЕЛГИЛАРИ:

- * Тана хароратининг;
 - * Кўнгил айнаши; кўтарилиши
 - * Қайт қилиши;
 - * Ичининг суюк ва тез-тез кетиши;
 - * Баъзида нажасда кон бўлиши.
- Касаллик болаларда оғир кечади. Ичининг тез-тез ва суюк кетиши тананинг сувсизланишига ҳамда бошқа оғр асоратларга олиб келиши мумкин.
- * Агарда яқинларингиз ва ёш болаларингизда юқорида келтирилган ҳолатлар кузатилса, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг!
- Шифокор келгунга қадар беморга регидрон ва бошқа тузли эритмалар ёки оддий қайнатилган сув беринг.
- Шу билан бирга ошқозон-ичак тизими фаолиятини яхшилаш мақсадида, шифо-



кор маслаҳати асосида, дори-дармонларни қабул қилиши тавсия этилади.

КАСАЛЛИКНИ ЮҚТИРМАСЛИК УЧУН:

- Сувни қайнатилган ҳолда ичишга;
 - Қўлни овқатланишдан олдин ва ҳо-жатдан кейин совунлаб ювишга;
 - Хўл меваларни ювиб истеъмол қилиш-га;
 - Тез бузиладиган овқат маҳсулотла-рини музлатгичларда сақлашга;
 - Чўмилиш хавзаларидаги сувнинг то-залигига ҳамда чўмилиш жараёнида сув ютмасликка;
 - Идиш-товоқларни тоза ювилишига;
 - Пашшаларни кўпайишига йўл қўй-масликка эътибор беринг.
- Ушбу тавсияларга амал қилсангиз, ўт-кир юқумли ичак касалликларидан сақлан-ган бўласиз ҳамда оила-аъзоларингизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда ўз хиссан-гизни қўшган бўласиз.

ХОНОБОД ШАҲРИДА "КОНСТИТУЦИЯ - ЎЗИМИЗНИКИ" ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ



Хонобод шаҳар маданият ва истироҳат боғида "КОНСТИТУЦИЯ - ЎЗИМИЗНИКИ" шиори остидаги ёшлар фестивали юқори савияда, кенг қамровда, аъло кайфият билан ўтказилди.

Мазкур фестивалда вилоятимизнинг истеъдодли эстрада хонандалари ҳамда шаҳар маданият бўлими ходимлари юқорисидаги дилтортар куй ва қўшиқлар ийгиланларни рақсга чорлади.



Шу билан бирга жамиятда ўз тенгдошларига ўрнатиб келаётган бир қатор иқтидорли ёшлар янгиланаётган Конституцияга киритилаётган ўзгаришларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилаётганлиги ҳақида гапириб ўтдилар ҳамда 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда оиласи ва яқинлари билан қатнашиб, ўз келажагига бефарқ эмасликларини таъкидладилар.



Мазкур тадбирда 1000 нафардан зиёд ёшлар ва аҳоли иштирок этдилар.



Шаҳримиздаги 2-умумий ўрта таълим мактабида "Конституция ўзимизники" шиори остида давом этаётган маданий ва спорт тадбирлари доирасида ёшлар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди.

ХОНОБОД ШАҲРИДА ИФТОРЛИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



яти бош имом хатиби Мирзомақсуд домла Алимов ушбу улуг кунларда юртимизда, Юртбошимиз томнидан амалга оширилаётган ишлар, ушбу Рамазон ойларида қилниши керак бўлган аммалар ҳақида сўз юритиб якунида Қуръон тиловат қилиб, юртимизга, жумладан шаҳримизга Яратгандан ризк,

Муҳтарам Президенти-мизнинг ташаббуси билан республикаимизнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ифторликлар ташкил этилмоқда.

Шаҳримизнинг Бунёдкор маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 150 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда маҳалланинг ёши улуг, нуроний отахон ва онахонлари учун дастурхон ёзилиб, ифторлик ташкил этилди.



Мазкур тадбирда иштирок этган Андижон вило-

тинчилик, тотувлик тилаб дуода бўлдилар.



дастурхон ёзилиб, ифторлик ташкил этилди.

Шунингдек, Янги ҳаёт маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 120 дан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳамда маҳалланинг ёши улуг, нуроний отахон ва онахонлари учун

ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР

Бугун шаҳримизда "Конституция ўзимизники" шиори остида давом этаётган маданий ва спорт тадбирлари доирасида Хонобод шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактабида Хонобод шаҳар Мудофаа ишлари бўлими ва халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда "Ёш чегарачилар" ҳарбий ватанпарварлик спорт мусобақалари ўтказилди.

Мусобақани ўтказишдан мақсад ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ватанга садоқат руҳини сингдиришдан иборат бўлди.



РЕСПУБЛИКАМИЗДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Дунёдаги ҳар бир мамлакат, ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида маълум бир белгиланган даврларда аҳолини рўйхатга олиб боради. Кўпчилик мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади.

Ҳозир жаҳоннинг кўп-лаб ривожланган давлатларида аҳоли ўртача ҳар ўн йилда камида бир марта рўйхатдан ўтказилмоқда. Халқаро амалиёт шундай: Бизда-чи? Ўзбекистон ҳудудида ilk бор аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1897 йилда амалга оширилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980 йилларда аҳоли рўйхатга олинган. Ушбу тадбир сўнгги бор 1989 йилда ўтказилиб, ўша пайтда республикада аҳолиси 19,7 миллион кишини ташкил этган.

Авалло, аҳолининг аниқ

сонини, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳоли, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, яшаш шароитлари, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари кабилар бўйича батафсил маълумот тўпланади.

Бинобарин, мазкур кўрсаткичлар орқали аҳоли ҳақида ҳақиқатга яқинроқ маълумот олиш имконияти кенгайди. Бундан ташқари, юртдошларимиз миграцияси бўйича аниқ маълумотлар шаклланти-

рилади. Чунинчи, аҳоли пунктлари инфратузулмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда кўл келади.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш натижасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи юзага келади.

Амалдаги жорий ҳисобга кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикадаги аҳолиси сони 36 024,9 минг кишини ташкил этиб, шундан шаҳар аҳолиси сони 18 335,7 минг кишини, қишлоқ аҳолиси сони 17 689,2 минг кишини ташкил этди. Жами аҳолининг 50,3 фоизини эркаклар, 49,7 фоизини эса аёллар ташкил этди.

рилади.

Чунинчи, аҳоли пунктлари инфратузулмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда кўл келади.

Шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш натижасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторингини юритиш, халқаро ташкилотлар ва фойдаланувчилар таҳлиллари учун кенг қамровли ахборотлар манбаи юзага келади.

Амалдаги жорий ҳисобга кўра, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига республикадаги аҳолиси сони 36 024,9 минг кишини ташкил этиб, шундан шаҳар аҳолиси сони 18 335,7 минг кишини, қишлоқ аҳолиси сони 17 689,2 минг кишини ташкил этди. Жами аҳолининг 50,3 фоизини эркаклар, 49,7 фоизини эса аёллар ташкил этди.

ID КАРТАГА ЭГА БЎЛГАН ҲАЙДОВЧИЛАРДАН

ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилмайди

Бугун аҳолига электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларга йўл қўймаслик, идоралараро электрон ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрда 645-сонли "Ички Ишлар Органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Қарорга биноан ID картага эга бўлган ҳайдовчилардан ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилмайди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 мартдан бошлаб, идентификация ID картага эга бўлган фуқароларга тегишли транспорт воситаси ҳайдовчисидан янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан



фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини талаб қилиш амалиёти бекор қилинади.

Шунингдек бунда Ўзбекистон Республикасига чет давлат фуқаросини тақлиф қилиш; -чет давлат ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлаш бўйича ҳужжатлар ва маълумотлар олиш; -судланганлик (судланмаганлик) ҳақидаги маълумотлар олиш;

моллар олиш; -автотранспорт воситаларида тақиқ мавжудлигини текшириш;

-жазони икром этиш муассасалари ва манзил колонияларда сақланаётганларни, уларнинг яқин қариндошлари билан учрашув вақтини белгилаш.

Ҳайдовчининг йўл-патрул хизмати инспекторига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлари ёнида бўлмаган тақдирда мазкур ҳужжатлар махсус планшет курилмаси ёрдамида идентификация ID картаси орқали текширилади.

Шавкатбек АБДУРАХИМОВ.

ПАСПОРТИНГИЗНИ АЛМАШТИРДИНГИЗМИ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида идентификация ID карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6065-сонли Фармони қабул қилинган. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини идентификация ID карталарига алмаштириш икки босқичда амалга оширилиши кўзда тутилган.

Унга кўра, биринчи босқичда 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида, иккинчи босқичда 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Идентификация ID картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бож тўғрисида"ги Қонунида белгиланган миқдорда базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизи, яъни ҳозирда 267 минг сўм миқдорда давлат божини ундирилади.

Эслатиб ўтамай, белгиланган муддатларда биометрик паспортини идентификация ID картасига алмаштирган шахсларга нисбатан қонучиликда маъмурий жавобгарлик мавжуд эмас.

Ҳурматли фуқаролар! Ўзингизга яқин ва қулай бўлган Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида паспортингизни идентификация ID картасига алмаштиришингизни сўраймиз.

Акмал САРИҚОВ.

Юридик марказ фаолиятдан

ЭНДИ ПЕНСИЯ ОЛУВЧИЛАР

Тошкент метрополитенидан кун давомида бепул фойдаланади

Бугун давлатимиз раҳбари томонидан кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия олувчиларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг шаҳар йўловчи ташиш транспортдан фойдаланишларида қўшимча қулайликлар яратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 мартдаги 128-сонли "Тошкент метрополитенида пенсионерларни бепул ташиш тўғрисида"ги қарорига асосан пенсионерларни Тошкент метрополитенида 2017 йил 15 мартдан бошлаб соат 10:00 дан 16:00 гача бепул ташиш тартиби кўрсатилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг 2023 йил 15 мартдаги ПҚ-94-сонли "Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Эндиликда қарорга кўра, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатилади;

бунда, Тошкент метрополитенининг мазкур бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатиш эвазига олинмай қолган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Фарҳодбек АЪЗАМОВ.

«Хонобод садоси»
МУАССИС:
ХОНОБОД ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир:
Х. МҲМИНОВА
Газета Андижон вилоят
матбуот ва ахборот
бошқармасида
2011 йил 25 январда 04-025
рақами билан рўйхатга
олинган.

Газета А-3 қолипда босилди. Ҳажми
1 босма табоқда. Газета «ANDUON NASHRIYOT-
MATBAА» МЧЖ компьютер марказида терилди
ва саҳифаланиб, 100 ададда босилди. Индекси
171500. Буюртма № 0000166
Босмаҳона манзили: Андижон шаҳар, Навоий
шоҳқўчаси, 71-уй.

Босишга топширилган вақти: 18.00
Босишга топширилди: 18.00

Таҳририят манзилгоҳи:
Хонобод шаҳар, Умаршайх
Мирзо кўчаси, 4-уй,
ҳокимлик биноси,
301-хона. Тел: 74 734-40-65

Нашр учун масъул:
Х.Содиқова